

**2023 йил 9 июль – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ**



## БАКАЛАВР ПЕДАГОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТЎЛИҚ ДАВЛАТ ГРАНТИГА ЎТКАЗИЛАДИ

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 6 июль кун Сирдарё вилояти сайловчилари билан учрашди**

**Тадбирни номзоднинг Сирдарё вилоятидаги ишончли вакили Покиза Аҳмеджанова очиб берди. У ўз сўзида Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида бошланган кенг қўламли ва халқчил ислохотлар аҳолининг барча қатламларини қамраб олгани, бунинг натижаларини кундалик ҳаётда яққол сезилаётганини қайд этди.**

Учрашувда номзод сирдарёлик сайловчиларни ўзининг сайловолди дастури билан атофлича таништирар экан, яқин йилларга режалаштирилган истиқболли лойиҳалар тўғрисида тўлиқ маълумот берди. Жумладан, келгуси етти йилда вилоятда транспорт соҳасини ривожлантиришга оид режалар ҳақида тўхталди.

– Сирдарё вилоятида жамоат транспорти қатновларини кўпайтириш учун 160 та янги автобус олиб келинади, – деди Шавкат Мирзиёев. – Замонавий лойиҳалар асосида 60 та бекат қурилади. Булар орқали 600 мингдан зиёд одамларнинг узоғи яқин бўлади. “Тошкент – Ховос” йўналишидаги бундан 35 йил аввал сотиб олинган электропоездларни янгилаш учун 20 миллион доллар эвазига замонавий электропоездлар олиб келамиз.

Сирдарёда 1,5 минг Мегаваттлик иссиқлик электр станцияси қурилиши ҳақидаги хабар электрорат вакиллари янада руҳланганди. Албатта, келгуси йилларда

яратилган янги ишлаб чиқариш қувватлари ҳисобига, вилоятда электр энергиясига бўлган талаб ҳам кескин ошади. Бу борада ўтган йили Туркиянинг “Сенгиз энержи” компанияси билан 150 миллион доллар инвестиция эвазига Ховосда 220 Мегаваттлик буғ-газ электр станцияси ишга туширилгани ана шу жараённинг бошланиши эди.

Шу йилнинг ўзида Боёвут тумани ва Ширин шаҳрида Саудия Арабистонининг “Aswa power” компанияси томонидан 1 миллиард 100 миллион доллар сармага ҳисобига яна 1,5 минг Мегаваттлик иссиқлик электр станцияси фойдаланишга топширилади.

– Бундан ташқари, яқин икки йил ичида Франция, Япония ва Қатар компаниялари консорциуми томонидан 1 миллиард 100 миллион доллар инвестиция киритилиб, қўшимча 1,5 минг Мегаваттлик замонавий иссиқлик электр станцияси барпо этилади, – деди номзод.

Қизғин мулоқот давомида таълим соҳаси билан боғлиқ масалалар ҳам атофлича кўриб чиқилди. Келгуси ўқув йилидан бакалавр педагог кадрлар тайёрлаш тизими тўлиқ давлат грантига ўтказилиши билан боғлиқ янгиликни сайловчилар олқишлар билан кутиб олишди.

– Педагогика йўналишидаги олийгоҳларни алоҳида ёндашув асосида ривожлантиралимиз, – деди Шавкат Мирзиёев. – Яъни, келгуси ўқув йилидан бакалавр педагог кадрлар тайёрлашни тўлиқ давлат грантига ўтказамиз. Магистратурада эса квоталар 2 қарра оширилиб, тўлиқ давлат ҳисобидан бўлади.

*Давоми 2-саҳифада. ►►*

## ПОЙТАХТ ЭКОЛОГИК БАҲҚАРОР, ТОЗА ҲАВОЛИ МЕГАПОЛИСГА АЙЛанаДИ

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 5 июль кун Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди**

**Тадбирни номзоднинг Тошкент шаҳридаги ишончли вакили Рустам Каланов кириш сўзи билан очди ва сўнги олти ярим йилда пойтахтда амалга оширилган ишларнинг натижадорлиги, аҳоли фаровонлиги, иқтисодий тармоқлари ривожига ҳақида мулоҳаза юртди.**

Учрашув давомида Шавкат Мирзиёев ўзининг сайловолди дастури юзасидан атофлича маъруза қилди. Унда, аввало, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида 100 километр велосипед йўлақлари, 32 та сайилгоҳ, 30 та яшил худуд ва хиёбонлар барпо қилинишини алоҳида таъкидланди.

– Бугунги кунда пойтахтимизда яшил майдонлар 900 гектарни ташкил қилади, – деди Шавкат Мирзиёев. – Келгуси етти йилда бу худудни 5 баробар кўпайтириб, 5 минг гектарга етказамиз. Бунинг учун шаҳар бўйлаб ҳар йили камида 1 миллион дона манзарали, мевали кўчатлар ва қаламчалар экилади. Ҳар бир маҳаллада 1 мингтадан дарахт кўчатлари экиш ишлари давом эттирилади. Яшнобод, Янгиҳаёт, Сергели ва Мирзо Улўбек туманларида 4 минг гектар майдонда

яшил ва “тематик” боғлар барпо қилинади.

Янги Тошкент худудидаги 50 гектар майдонда йирик “Аква парк” қурилиши учун 200 миллион доллар маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда. Шунингдек, Янги Тошкент худудида умумий майдони 35 гектар бўлган сунъий кўл ташкил қилиниб, одамларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун барча шароитлар яратилди.

– Пойтахтда экологик баҳқарорликни таъминлаш, уни тоза ҳаволи мегаполислардан бирига айлантириш ишларини жадаллаштиралимиз, – деди номзод. – Шу боис 2030 йилга қадар ҳавога чиқариладиган зарарли газлар миқдорини 150 минг тонна ёки 50 фоизга қисқартиралимиз. Жумладан, қўшимча 1 минг 200 та электробус олиб келинади ва уларнинг жамоат транспортидаги улуши 50 фоизга етказилади. Қолган электробус зарарли чиқинди-си 3 баробар кам бўлган табиий газ ёқилғисига ўтказилади. Яъни, дизель ёқилғисига ҳаракатланадиган бирорта автобус қолмайди.

Сайловчилар билан учрашувда Шавкат Мирзиёев оқова сувлар билан боғлиқ экологик ҳолатни яхшилашга оид режаларни ҳам маълум қилди.

– Хабарим бор, сўнги йилларда Сергели, Бектемир ва Янгиҳаёт туманларидаги оқова сувлар билан боғлиқ экологик ҳолат аҳоли-

нинг кўплаб ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда, – деди у. – Шунинг ҳисобига олиб, кунига 1,5 миллион куб метр оқова сув тозалаш қувватига эга янги замонавий иншоот барпо қилинади. Бунга Бирлашган Араб Амирликлари Абу Даби тараққиёт жамғармаси 240 миллион доллар инвестиция киритишга тайёр.

Мулоқот давомида йўл-транспорт бошқаруви рақамлаштириш ҳисобига “хавфсиз ва раво йўл” тамойилини ҳам кенг жорий қилиш масалари ҳам муҳокамалар марказида бўлди. Бунда илғор хорижий тажриба асосида тирбандлик камайтириш мақсадида 605 та чорраҳада “ақли чорраҳа” ва “ақли светофор” бошқарув тизими амалга киритилади. Шаҳарга 5 та кириш жойида ва йўловчи оқими юқори бўлган 6 та метро бекати атофидида кўп қаватли автотураргоҳлар ташкил қилинади. Тирбандлик юқори бўлган кўчаларда 12 та йўл ўтказгич қурилади, йўллар бўйида 3 минг ўринга эга замонавий паркоматлар ўрнатилди.

– Аҳолига янада қулайлик яратиш учун Дўстлик метро бекатидан “Янги Тошкент”га қадар узунлиги 15 километр бўлган, 115 минг йўловчи ташини қувватига эга ер усти метро ёки трамвай линияси тортилади, – деди номзод.

*Давоми 2-саҳифада. ►►*

## ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ: КЎП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАТИРИШ ВА МУСТАҲҚАМЛАШ ЙЎЛИДА

**ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг видеонанжуман шаклидаги навбатдаги мажлисида минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди, кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.**



Видеонанжуманда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Халқаро муносабатлар тизимида рўй бераётган туб ўзгаришлар – геосийсий кескинлик кучайиб, зиддиятлар авж олаётгани, глобал баҳқарорлик ва изчил тараққиётга хавф солаётган янги хатар ва таҳдидлар пайдо бўлаётгани, экология, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги соҳасидаги хавфлар ортиб бораётгани қайд этилди. Шу маънода конструктив ва ишончли мулоқотни йўлга қўйиш ўткир заруратга айланиб бораётгани ўз-ўзидан аён. Ўзбекистон баҳқ ва можароларни ҳал этиш, тинчлик ва баҳқарорликни таъминлаш бўйича мақбул ечимларни излаш ва қарорларни қабул қилишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти марказий ўрин эгаллаши керак, деган принципиал позицияга риоя қилади.

– ШХТ доирасидаги кўп томонлама ва кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳқамлаш йўлидан борар эканмиз, бугун биз ташкилотимизнинг муваффақияти унинг асосий тамойилларига қатъий риоя этиш асосида таъминланишини яхши тушунамиз. Булар – ташкилотнинг блокдан ташқари мақоми,

мавжуд “тўсиқлар” ва “бўшлиқлар”ни аниқлаш, умумий, ўзаро интеграциялашган транспорт-транзит тизimini шакллантириш учун устувор чора-тадбирлар ва лойиҳаларни белгилаб олиш имконини беради.

Шавкат Мирзиёев Афғонистонда сақланиб қолаётган мураккаб вазиятга тўхталиб, бу муаммони фақат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида мамлакат ҳукумати билан конструктив мулоқот ўрнатиш орқалигина ечиш мумкинлигини таъкидлади. Бу эса кўп жиҳатдан Афғонистоннинг бевосита қўшнилари ва узоқ муддатли сиёсий ечим топилишидан энг кўп манфаатдор бўлган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти давлатларининг сиёсий иродасига боғлиқ. Шу муносабат билан “ШХТ – Афғонистон” алоқа гуруҳи форматида қўшма фаолиятни ва маслаҳатлашувларни қайта тиклаш таклиф қилинди.

Тадбир якунида ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари Нью-Дехли декларацияси; 2030 йилга қадар ШХТ минтақасида иқтисодий ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида қарор; Эрон Ислом Республикасининг ШХТ аъзоллигига қабул қилиш тартиботини яқунлаш ва унга ШХТга аъзо давлат мақоми бериш тўғрисида қарор; Беларусь Республикасининг ШХТга аъзо давлат мақоми олиш учун мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумни имзолаш ҳақида қарорни имзоладилар. Шунингдек, иқтисодий ҳамкорлик ва рақамли трансформацияни янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришга қаратилган 10 та ҳужжат қабул қилинди.

ШХТга раислик Қозғистон Республикасига ўтди.

**Шоҳрух ҚҮРБОНОВ**



## ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОД ШАВКАТ МИРЗИЁЕВГА ОВОЗ БЕРИНГ!

ПОЙТАХТ ЭКОЛОГИК БАҲҚАРОР, ТОЗА ҲАВОЛИ МЕГАПОЛИСГА Айланади

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 5 июль куни Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди

Бошланиши 1-саҳифада.

Шавкат Мирзиёев Швецияда Куръони карим ёқиб юборилганини ёвуз ҳаракат деб атади ва кескин қоралади.



– Айни вақтда биз радикализм ва экстремизмнинг ҳар қандай кўринишларига, турли миллат ва халқларнинг диний қадриятларига нисбатан ҳурматсизлик кўрсатишга мутлақо қаршимиз, – деди у жумладан. – Ер юзидаги миллионлаб инсонларнинг дину диёнати, эзгу хиссиётларини ҳақорат қиладиган бундай ҳолатларга асло йўл қўйиб бўлмайди.

рилиб, муаллифларга 100 миллион сўмдан қалам ҳақи тўлиниши маълум қилинди. Бу китоблар 20 минг нусхадан нашр қилиниб, мактаблар ва кутубхоналарга бепул берилди. Шунингдек, келгуси етти йилда кутубхоналарнинг 40 миллионга яқин

билан очик мулоқотда кейинги пайтда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини ошириш бўйича катта ишларни амалга ошираётгани ҳам эътибордан четда қолмади.

китоб фонди тўлиқ рақамлаштирилади ва уларнинг ягона каталоги яратилади. – Мактаб кутубхоначиларининг иш ҳақи педагог ходимлар ойлигига тенглаштирилади, – деди Шавкат Мирзиёев пойтахтлик сайловчилар даврасида. – Биз маданият ва санъат соҳалари вакиллари, музей ва кутубхоналар ходимлари иш ҳақини келгуси етти йилда 3 карра оширамиз. Шунингдек, 2030 йилга қадар маданият ва санъат соҳалари вакиллари ҳамда адиблар учун янги қурилатган уй-жой массивларидан 10 мингта хонадон имтиёзли шартларда берилди.

ди, – деди пировардида Шавкат Мирзиёев. – Жумладан, зиёлиларимиз, кенг жамоатчилигимиз билан бамааслахат, лотин ёзувиге асосланган алифбомизни такомиллаштириш бўйича ишларни якунига етказишимиз зарур. Учрашув сўнггида партия вакиллари ва таклиф этилган меҳмонлар сўзга чиқдилар. Улар сайловолди дастуридан ўрин олган ҳар бир ташаббус пойтахт аҳолисининг турмуш фаровонлигини янада оширишга хизмат қилишни таъкидлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Шавкат Мирзиёев номзодини қўллаб-қувватлашга чақирдилар.

МУНОСАБАТ

МАРРАЛАР БАЛАНД, МАҚСАДЛАР УЛКАН

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг пойтахт сайловчилари билан учрашуви барчани айни сарлавҳадаги иқрога ундади, десам муболға бўлмайди.



Дилшод ШОУМАРОВ, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари, "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати пойтахт бўлини маси раҳбари, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати

таъминоти ҳамда чиқинди ташиш хизматлари рақамлаштирилиб, ягона "биллинг" тизимига ўтказилиши бўйича режалар ҳам соҳаларда улкан ўзгаришлар бўлишидан дарак.

Ийғилишда ҳозир бўлганлар, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали кузатганлар номзоднинг аҳоли учун қулай ижтимоий инфратузилма яратиш режаларидан бохабар бўлишди. Унга қўра, келгуси етти йилда 50 минг ўринли 421 та янги боғча фаолияти йўлга қўйилади. 100 мингта янги ўқувчи ўрни очилади. Олий таълим қамрови келгуси йилнинг ўзида 50 фоизга, 2030 йилга бориб эса 60 фоизга етказилади.

Тошкент шаҳрида 35 та поликлиника, Чилонзор туманида Болалар шифохонаси барпо этилади. Сергели, Мирзо Улуғбек, Олмасор ва Учтепада туманлараро перинатал марказлари иш бошлайди.

Яна қанчалаб устувор мақсад-вазифалар белгиландики, улар яқин етти йилда азим кентимиз минтақа ва жаҳоннинг энг жозибадор манзилларидан бирига айланишига хизмат қилишига қўллаб-қувватлашга қатори мен ҳам ишонаман.

Ҳа, тақор ва тақор айтиш мумкинки, марралар баланд, мақсадлар улкан! Бу йилда барчамиз бирлашмоғимиз, бирдам бўлмоғимиз лозим. Зеро, мақсади бир халқ, мақсади бир миллат ҳеч қачон енгилмайди, боши эгилмайди.

БАКАЛАВР ПЕДАГОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ Тўлиқ давлат грантига ўтказилади

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 6 июль куни Сирдарё вилояти сайловчилари билан учрашди

Бошланиши 1-саҳифада.

Кадрлар етишмайди, таълим сифати оғир мактаблар олдиндан танланиб, улар учун мақсадли давлат буюртмаси жорий қилинади. Бунда буюртма асосида ўқишни тасмолаган ёшларга, ушбу мактабларда бориб ишлашлари учун жозибадор раббатлантириш тизимини йўлга қўйилади. Пировардида, 2030 йилга бориб боғча тарбиячиси ҳам, мактаб ўқитувчиси ҳам фақат ва фақат олий маълумотли бўлади.

Сирдарёлик сайловчилар билан учрашувда ёшларни талабалikka қабул қилиш тизимини ўзгартиришга оид режалар ҳақида маълумот берилди.

– Энди ёшларимизнинг мактабда ўқиган баҳоларини ҳам инобатга олиш амалиётини йўлга қўямиз, – деди номзод. – Келгуси йилдан абитуриентлар 3 та асосий ва 2 та қўшимча фанни танлаб, тест синовларидан ўтади ва унинг натижаларига қараб олийгоҳ, таълим йўналиши ва таълим шаклини танлаш имкониятига эга бўлади. Хабарингиз бор, хорижий тиллардан халқаро сертификатлари бор абитуриентларга чет тили бўйича имтиҳон топширмаслик имтиёзини берган эдик. Энди бу имтиёзини математика, физика, кимё ва биология фанлари бўйича халқ-

нидан грантлар бериш амалиёти йўлга қўйилади. Мисол учун, йилига 100 миллиард сўм "оборот" қилаётган корхона ўзига зарур 30 нафар ёш мутахассис учун грант ажратса, йилига ўртача 300 миллион сўм харажат қилади. Фаолият турига қараб, корхоналар ушбу харажати доирасида 30-35 миллион сўм солиқ тўлаши керак.

Корхоналар ва олийгоҳларнинг ушбу мақсадларга йўналтирилган маблағлари солиқ базасига киритилмайди. Шунда иш берувчилар ўртасида иқтидорли ёшларни жалб қилишга кураш, олийгоҳларда сифат учун рақобат кучаяди.

Ҳар йили 5 минг нафар профессор-ўқитувчиларимиз тажриба алмашиш учун хорижга юборилади. Ушбу мақсад учун 2030 йилга қадар 50 миллион доллар йўналтириш режалаштирилмоқда.

– Шунингдек, ҳар йили 200 нафар ёш олимларимизни, кейинчалик олийгоҳларга қайтиб дарс бериш шarti билан хорижий илмий ташкилотларда диссертация ёқлашга жўнатамиз, – деди Шавкат Мирзиёев. – Олийгоҳларнинг илмий кенгашларига дунёнинг нуфузли олийгоҳларидан етакчи профессорларни жалб қилиш вақти келди.

Учрашув давомида профессор-ўқитувчилар шартлиларини яна-

дан ошди. Бундай кўп юклама билан ўқитувчи қачон илм қилади, қачон ўз устидо ишлайди?

Шу боис профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкламаси 25 фоизга қисқартирилади ва уларнинг илмий фаолият билан шуғулланиши учун қўшимча шартитлар яратилади. Энг муҳими, бунда уларнинг иш ҳақи камайтирилмайди.

– Ўз йўналиши бўйича халқаро тан олинган касбий сертификатларга эга бўлган ўқитувчиларга қўшимча устамалар белгиланади, – деди номзод. – Шунингдек, бундай сертификатлари бор амалиётчиларга дарс бериш учун магистрлик дипломи талаб этилмайди. Худудларимизда қурилатган уларнинг 25-30 фоизи профессор-ўқитувчиларга имтиёзли шартларда берилди.

Шунингдек, номзод яна бир таклифни ўртага ташлади.

– Олийгоҳларда узоқ йиллар ишлаб, илмий мактаблар яратган профессор-ўқитувчилар номини шу даргоҳдаги кафедра, лаборатория, кутубхона, аудитория ва ўқув биноларига бериш амалиётини жорий қилсак, нима дейсизлар?, – деди учрашув нихосида.

Сайловчилар бу таклифни олқишлар билан қўллаб-қувватлашди.

Учрашувда партия вакиллари ва бошқа сайловчилар сўзга чиқиб,



ро тан олинган сертификати бори ёшларга ҳам татбиқ этилмади.

Бундан ташқари, давлат грантлари билан бир қаторда, иш берувчилар ва олийгоҳлар томо-

да яхшилаш бўйича ислохотларни изчил давом эттирилиши қайд қилинди. Масалан, бугунги кунда оддий ассистент ўқитувчининг йиллик ўртача ўқув юкламаси 1 минг соат-

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Шавкат Мирзиёев номзодини қўллаб-қувватлашни таъкидлади ва бошқаларни ҳам шунга чақирди.

ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР O'zLiDePДА



Сайлов жараёнида шаффофлик ва одилликни таъминлашда халқаро кузатувчиларнинг иштироки муҳим аҳамиятга эга. Шу кунларда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг узоқ муддатли миссияси халқаро кузатувчилари мамлакатимизда ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Яқинда улар O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитасида бўлдилар.

чилигидаги меҳмонларни O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раисининг ўринбосари Бахтиёр Якубов ва бошқа масъуллар қутиб олдилар.

Кузатувчилар партиясининг ҳозирги фаолияти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказиш борасида амалга ошираётган ишлари билан танишдилар. Сайловолди кампанияси амалдаги қонунчиликка қатъий мувофиқ тарзда амалга оширилатгани қайд этилди. Кузатувчиларга O'zLiDePдан президентликка номзод ва унинг ишончли вакиллариининг вилоятларда сайловчилар билан ўтказиёт-

ган учрашувлари ҳақида маълумот берилди. Партиясининг тарғибот фаолиятини олиб боришда тенг ҳуқуқликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўз навбатида, Е. Козяк ҳам Ўзбекистондаги сайловларни мониторинг қилишининг мақсад ва вазифалари, механизмлари ҳақида сўзлаб берди.

Учрашув доирасида кузатувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Учрашув конструктив мулоқот тарзида ўтди.

O'zLiDeP матбуот хизмати

МДХ кузатувчилари миссияси штаби раҳбари Евгений Козяк бош-



# БИРГАЛИҚДА БИЗ КУЧМИЗ!

## ЖИЗЗАХ

### КЕЛАЖАК УЧУН ОВОЗ БЕРАМИЗ

O'zLiDeP Жиззах вилоят, туман, шаҳар кенгашларида ҳам депутатлар, партия фахрийлари ва фаоллардан иборат тарғибот-ташвиқот гуруҳлари жойларда бўлиб, партиядан кўрсатилган номзоднинг сайловолди дастурини кенг жамоатчиликка етказиш ишларини олиб бормоқдалар.



– Сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар сабабли одамларимиз дунёқарашда ҳам жуда катта ўзгаришлар рўй берди, – дейди Жиззах шаҳридаги “Самандар ширинликлари” хусусий корхонаси раҳбари Самандар Исомов. – Бугунги кунда юртдошларимиз мамлакатимизда бўлаётган сиёсий жараёнларга бефарқ эмас. Жорий йил 9 июль куни бўлиб ўтадиган президент сайловида ҳам фаол иштирок этишни ният қилганмиз. O'zLiDePдан номзоди илгари сурилган Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастури билан танишиб чиқдим. Унда тадбиркорликни янада ривожлантириш борасидаги ташаббуслар, кўзда тутилаётган имтиёзлар мамлакатимизда соҳани янада ривожлантиришга хизмат қилади. Шу боис ушбу номзодни қўллаб-қувватлаб, овоз бермоқчимман ва бошқаларни ҳам шунга чақираман.

– Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастурида мамлакатимизни келгуси етти йилда янада тараққий эттиришнинг муҳим стратегик йўналишлари белгилаб берилган, – дейди партия “Ёшлар қаноти” фаоли Хафиза Мухторова. – Дастурда, айниқса, ёшлар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилгани эътиборимни тортди. Жумладан, келгусида дунёдаги “Топ-500”га кирадиган чет эл олий ўқув юртли билан ҳамкорликнинг кучайтирилиши, “икки дипломли тизим” жорий этилиши, биотехнология, сунъий интеллект ва бошқа юқори технология йўналишларида истеъдодли ёшларни энг нуфузли хорижий олий даргоҳларга давлат ҳисобидан ўқишга юбориш бўйича 200 миллион долларлик дастурларни амалга оширилиши биз, ёшларга эътиборнинг янада кучайишидан дараж беради. Шу сабаб бўлажак сайловда мен ҳам ушбу ташаббуслар муаллифини қўллаб овоз бераман.

Ташвиқот тадбирлари довомида юртдошларимизга номзодимизнинг сайловолди дастури, унда илгари сурилган мақсад ва вазифалар акс этган буклет ва флаерлар тарқатилмоқда.

O'zLiDeP Жиззах вилояти кенгаши матбуот хизмати

## ҚАШҚАДАРЁ

### КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛАН УРГАНИЛМОҚДА

O'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши бўлажак сайловга пухта таралдув кўриш мақсадида кенг кўламда тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширапти. Корхона ва ташкилотлар, бозорлар, супермаркетлар, аҳоли гажум жойларда, маҳалла ва қишлоқларда маҳаллий кенгашлар депутатлари, бошланғич ташкилот вакиллари ҳамда партия фахрийлари, аёллар ва ёшлар қаноти фаоллари томонидан партия номзоднинг сайловолди дастури мазмун-моҳияти аҳолига тушунтирилмоқда.



Воҳанинг чекка туманларидаги қишлоқ ва овулларда бўлишиб, аҳоли билан мулоқот чоғида O'zLiDePдан президентликка номзод Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастуридаги энг устувор йўналишлар – Янги Ўзбекистонни бунёд этиш, таълим ва тиббиётни замонавийлаштириш, иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш каби аниқ мақсад-вазифалар ҳақида маълумот беришиб, сайловда фаол иштирок этишга чақириммоқда. Ташвиқот тадбирлари чоғида ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароит яратиш, одамларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, маҳалла ролини кучайтириш, келажак бунёдкорлари бўлган ёшларни қўллаб-қувватлашни яхшилаш, сув ресурсларини тежаш, атроф-муҳитни муҳофазат қилиш, адолат устуворлигини таъминлаш борасидаги устувор йўналишлар турли қатлам вакиллари бўлган сайловчилар томонидан катта қизиқиш билан ўрганилапти.

Сайфулла ИКРОМОВ,  
“XXI asr” мухбири

## БУХОРО

### АГРАР СОҲАДА ИСЛОХОТЛАР ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТАДИ

Пешку туманидаги Абу Али ибн Сино номидаги жамоат техникумида Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан президентликка номзод Шавкат Мирзиёевнинг Бухоро вилоятидаги ишончли вакили **Самойдин Хусенов** сайловчилар билан учрашди. Унда партия фаоллари, депутатлар, педагог ва шифокорлар, меҳнат фахрийлари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Тадбирни партия вилоят кенгаши раиси **Обиджон Ҳамидов** очди. Ишончли вакил Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Бухоро вилояти, шу жумладан, Пешку туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, қишлоқ ҳудудлари ва маҳаллаларни ободонлаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилганини таъкидлади. Сўнг номзод сайловолди дастуридаги бешта устувор мақсаднинг мазмун-моҳиятини атрафлича шарҳлаб берди.

Қайд этилдики, дастурда режа қилингандек, юртимизда қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини сотган фермерларга қўшилган қиймат солиғининг 50 фоизи қайтарилади. Қишлоқ ҳўжалигини иқлим ўзгаришларига мос ҳолда ривожлантириш, тупроқ ва яйловларда деградациянинг олдини олиш бўйича миллий дастур қабул қилинади. Умуман, аграр соҳага жами 15 млрд доллар инвестиция жалб этилади. Буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, Пешку тумани қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш имконини бериб, иқтисодий ислохотлар самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда бу борада амалга оширилган модернизация ишлари, жумладан, кластер тизимини жорий этиш натижасида туманда пахта, ғалла ҳўсильдорлиги 25-30 фоизга, мева-сабзавот экспорти эса 2 баробарга ошди, соҳага 155 млрд сўмдан ортиқ хусусий инвестиция киритилди. Утган икки йилда 1 316 гектар унмудор ер майдонлари аҳолига ажратиб берилиб, 6,9 мингдан зиёд фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Туман қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотлар келгусида ҳам изчил давом эттирилиб, 2030 йилга қадар қўшимча 5 815 гектар майдон ўзлаштирилади ва уларда интенсив боғ ва узумзорлар ташкил этилади. Маҳаллий сабзавот, полиз, картошка уруғлик таъминоти 35 фоизга етказилади (ҳозирда 15 фоиз), қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини қайта ишлаш 7 фоиздан 12 фоизга оширилади. Шунингдек, аграр соҳадаги экспорт ҳажми йиллик 5,7 миллион долларга етказилади (ҳозир 3,1 миллион доллар).

Партиянинг Пешку туман кенгаши ва Малишояк маҳалласи раиси Санам Жумаева маҳаллаларда ташкил этилган бешлик тизими ва бу орқали қисқа муддатда эришилган ютуқлар, ижтимоий ҳўмога муҳтож қатламга қаратилган эътибор, касаначилик, оилавий тадбиркорлик соҳасида эришилган ютуқлар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Учрашув якунида ишончли вакил барчани Янги Ўзбекистонни барпо этишга ўз ҳаётини бағишлаган фидойи инсон, O'zLiDeP номзоди Шавкат Мирзиёевни қўллаб овоз беришга чақирди.

## Навоий

### БОҒЧА ВА МАКТАБЛАРДА ФИЛЬТРАНГАН ИЧИМЛИК СУВИ

Навоий иқлимини ҳўсобиға олган ҳолда барча боғча ва мактаблар филталанган ичимлик суви билан тўлиқ таъминланади. Кейинги етти йилда вилоятда 350 та кўп қаватли уй қурилиши ҳўсобиға 30 минг оила уй-жойли бўлади. Минг километрик сув тармоғи барпо этилиб, тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 85 фоизга етказилади.

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан президентликка номзод Шавкат Мирзиёевнинг Навоий вилоятидаги ишончли вакили **Қувондиқ Санакулов** нуроталик сайловчилар билан учрашувда шуларни маълум қилди.

– Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини ҳал қилиш мақсадида 310 та давлат ва хусусий боғча ташкил этилади, – деди ишончли вакил йиғилганларни номзоднинг сайловолди дастури билан таништира экан. – Янги мактаблар қуриш ва мавжудларнинг қувватини ошириш, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ҳўсобиға қўшимча 40 минг ўқувчи ўрни яратилади.

Учрашув якунида Қувондиқ Санакулов барчани мана шундай эзгу гоёлари билан ҳалқимиз фаровонлиғи йўлида тинмай элланаётган фидойи инсон, давлат арбоби Шавкат Мирзиёев номзодини бўлажак сайловда қўллаб, овоз беришга чақирди.

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

### ХАВФСИЗ ВА ТИНЧЛИКСЕВАР МАМЛАКАТ

Президентликка партиямиздан кўрсатилган номзоднинг Тошкент вилояти бўйича ишончли вакили **Сайёра Файзиева** Куйи чирчиқлик сайловчилар билан учрашди.

Тумандаги “Беруний” маданият саройида ўтган учрашувда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Аtxам Назиркулов, туман фаоллари, маҳаллий аҳоли ҳамда ёшлар иштирок этди.

Сайёра Файзиева иштирокчиларга Шавкат Мирзиёевнинг ҳаёти, меҳнат фаолияти ҳамда шахсий сифатларини тавсифларкан, уни жонкуяр, инсонпарвар раҳбар, дея таърифлади. Сўнг Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистонни ҳалқимиз билан биргаликда қурамиз” номли сайловолди дастуридан ўрин олган бешта энг устувор стратегик мақсад ва йўналишларни батафсил шарҳлаб берди.



Қайд этилганидек, дастурга кўра, узоқ ва яқин давлатлар билан дўстлик алоқалари ва ўзаро ҳамкорликни барча соҳаларда ривожлантириш дастурий вазифа, деб белгиланган. Шунингдек, очиқ прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш давом эттирилади. Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатини фақат ҳалқимиз ва давлатимизнинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда олиб боради.

– Турли миллат ва элат вакиллари ягона катта оила бўлиб ҳаёт кечириётган, миллатлараро муносабатлар ўзаро дўстлик, ҳамкорлик, қардошлик алоқалари асосида илдиш отган бағрикенг Ўзбекистон фуқароси эканимдан фахрланаман, – деди “Юнайтес Био” ФИС фирмаси раиси Игорь Мун. – Ўзим туғилиб, вояга етган Куйи Чирчиқнинг янги қиёфа касб этаётганини кўриб, беҳад хурсанд бўламан. Аввал Ўзбекистондаги энг қолоқ туманлардан биттаси эди. Айнан Шавкат Мирзиёевнинг сай-ҳаракатлари ва кўрсатилган билан худудимиз ободликка юз тутди. Шавкат Мирзиёев Президент бўлгач, ҳалқимиз бугун бахтли яшаш керак, деган вазифани кўйди. Инсонни улўғлади, унинг қадрини юксалтирди. Халқлар дўстлиғи масаласида жуда ҳалқчил ва инсонпарвар ислохотларни амалга оширди. Шулардан келиб чиқиб, мен барчани Ўзбекистонни ҳар соҳада янгилаштирилган сари дадил етаклашга қодир Шавкат Мирзиёевга овоз беришга чақираман.

Зухро МИРЗОҲАМДАМОВА,  
O'zLiDeP Тошкент вилояти кенгаши бўлим мудир

## СУРХОНДАРЁ

### ЭКСПОРТ ҲАЖМИ 2 БАРОБАР ОШИРИЛАДИ

Бугун Сурхон воҳасида кўллаб ўзгаришлар, ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Жарқўрғон туманида ҳам ҳудуд инфратузилмаси ривожлантирилиб, туманда тадбиркорлар сони ортаётгани кувонарли. Келгусида бу ишлар янада жадаллаштирилади. Бу ҳақда O'zLiDePдан кўрсатилган номзод Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастурида ҳам алоҳида қайд этиб ўтилган.

Тумандаги маданият уйида номзоднинг Сурхондарё вилояти бўйича ишончли вакили **Абдуҳаким Эшмуродов**нинг сайловчилар билан ўтказилган учрашувида ана шулар ҳақида сўз борди.

– Ҳабарингиз бор, “Тўпалан” сув омборидан ичимлик суви олиб келиш бўйича катта лойиҳа амалга оширилмоқда, – деди ишончли вакил. – Ушбу лойиҳа келгуси йилда тўлиқ якунланади. Сув таъминотини яхшилаш мақсадида яна Саудия тараққийт жамғармаси ёрдамида Сариосиё, Денов ва Жарқўрғонда оқова сув тизимлари қурилади. Натижада, ҳудуд аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 90 фоизга етказилади. Умуман, вилоятдаги ичимлик ва оқова суви лойиҳалари 460 миллион доллар ажратилади.



Бундан ташқари, Ангор, Бойсун, Сариосиё ва Термиз туманлари каби Жарқўрғонда ҳам “Янги Ўзбекистон” массивларида 300 та кўп қаватли уй-жойлар қурилади. Натижада 12 мингта оила уй-жой билан таъминланади.

Ишончли вакил шу каби режалар, белгиланган вазифалар ҳақида сўзлар экан, ишлаб чиқариш ҳамда экспорт қилишда анчагина юқори натижаларга эришаётган жарқўрғонликларга айна йўналишдаги лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берди. Яъни номзод дастурига кўра, экспорт ҳажмини ошириш учун Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш учун ишлар жадаллаштирилиши, Санотни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, унга 1 миллиард доллар ажратилишини таъкидлади. Қолаверса, келгуси йилларда 50 та нуфузли хорижий брендлар билан махсус экспорт зоналари ташкил қилинади. Тадбиркорларга “тайёр бизнес” шаклида санот ипотекаси тизими тўлиқ йўлга қўйилади. Хар бир туманда камида мингта иш ўрни яратиладиган 2 тадан янги санот зоналари ташкил этилади. IT хизматлари экспорти 5 миллиард долларга олиб чиқилади. 2030 йилга қадар жами экспорт ҳажми 2 баробар оширилиб, 45 миллиард долларга етказилади.

Учрашувда сўзга чиққанлар номзод дастуридаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаган ҳолда 9 июль куни бўлиб ўтадиган сайловда Шавкат Мирзиёевга овоз беришларини билдиришди.

O'zLiDeP Сурхондарё вилояти кенгаши матбуот хизмати



